

ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ ВА
СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

906 Метрология текширувидан ўтказилиши лозим бўлган
тиббиёт учун мўлжалланган ўлчаш воситалари ва
синаш воситаларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
22 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2916*

Ўзбекистон Республикасининг «Метрология тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 апрелдаги ПҚ–2935-сон қарори билан тасдиқланган 2017 — 2020 йилларда «Ўзстандарт» агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш ва иш самарадорлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурининг 4-бандига мувофиқ Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

1. Метрология текширувидан ўтказилиши лозим бўлган тиббиёт учун мўлжалланган ўлчаш воситалари ва синаш воситаларининг рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Иловада келтирилган тиббиёт учун мўлжалланган ўлчаш воситалари ва синаш воситаларининг метрология текширувидан ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган, аккредитланган лабораториялар рўйхати ва хизматлар нархлари ҳақидаги маълумотлар «Ўзстандарт» агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий сайтларида эълон қилиниб борилсин.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга кирилади.

**Ўзбекистон стандартлаштириш,
метрология ва сертификатлаштириш
агентлигининг бош директори**

А. ХАЙТОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 31 июль,
К-2-сон

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 31 июль,
102-сон

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология
ва сертификатлаштириш агентлиги
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни
сақлаш вазирлигининг 2017 йил 31 июлдаги
К-2, 102-сон қарорига
ИЛОВА

**Метрология текширувидан ўтказилиши лозим
бўлган тиббиёт учун мўлжалланган ўлчаш воситалари ва
синаш воситаларининг
РЎЙХАТИ**

Т/р	Тиббиёт учун мўлжалланган ўлчаш воситалари ва синов воситалари	Аниқланадиган катталар	Метрология текшируви даврийлиги
Ўлчаш воситалари			
1.	Эшитиш қобилиятини текшириш учун ускуналар (аудиометрлар, тимпано-метрлар, импедансометрлар)	Эшитишнинг сезгирлик бўсағаси	12 ой
2.	Бош мия биопотенциалларини ўлчаш учун ускуналар (электроэнцефалографлар)	Бош миянинг биоэлектрик потенциаллари	12 ой

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

Т/р	Тиббиёт учун мўлжалланган ўлчаш воситалари ва синов воситалари	Аниқланадиган катталиклар	Метрология текшируви даврийлиги
3.	Юрак биопотенциалларини ўлчаш учун ускуналар (электрокардиографлар)	Юракнинг биоэлектрик потенциаллари	12 ой
4.	Мушак импедансини ўлчаш учун ускуналар (реографлар)	Мушак импеданси, қон тизими ва тўқималарнинг электр қаршилиги	12 ой
5.	Мушак ва асаб структураларининг биоэлектрик фаоллигини ўрганиш учун ускуналар (электромиографлар)	Мушак ва асаб структураларининг биоэлектрик фаоллиги	12 ой
6.	Қон сатурациясини текшириш учун ускуналар (пульсоксиметрлар)	Қон сатурацияси, қоннинг кислород билан тўйинганлигининг процентдаги нисбати ва пульснинг бир минутдаги частотаси	12 ой
7.	Ўпка ҳажмининг ўзгаришини тавсифлаш учун ускуналар (спирографлар)	Ўпка ҳажмининг нафас олиш ва чиқаришдаги ҳаво оқимининг тезлиги	12 ой
8.	Артериал босимни ўлчаш учун ускуналар (барча турдаги тонометрлар)	Артериал босим	12 ой
9.	Ҳаёт учун муҳим функциялар кўрсаткичларини мониторинг қилиш учун ускуналар (кардиомониторлар, реанимацион ва анестезиологик мониторлар)	Беморнинг физиологик параметрлари, артериал босим, юрак қисқариш частотаси, қон сатурацияси, тана ҳарорати, электрокардиограмма кўрсаткичлари	12 ой
10.	Беморлар тақиб юрадиган суткалик мониторлари ва рўйхатга олиш ускуналари — Холтерлар (ЭКГ, АД, ЭЭГ)	Юрак, бош миянинг суткалик биоэлектрик потенциаллари ва суткалик артериал босим	12 ой
11.	Стресс тизимлар	Беморнинг жисмоний зўриқишида юрак биоэлектрик потенциаллари ва артериал босим	12 ой
12.	Нафасдаги газлар анализаторлари (капнографлар, алкометрлар)	Нафасдаги карбонат ангидрид, кислород (капнометрия), этанол буғларнинг (алкометрия) фоиздаги нисбати	12 ой
13.	Ультратовушли диагностика ускуналар (УТТ аппаратлар, доплерлар, эхоэнцефалоскоплар, эхоэнцефалограф)	Бемор тана аъзолари ва тўқималарининг текширилаётган ички анатомик структураларининг геометрик ўлчамлари, ҳомила ўлчами, юрак-томир тизими, томирлардаги қон оқимининг тезлиги, бош мия структураси параметрлари ва ультратовушли текшируви тамойилига асосланган функционал параметрлар	12 ой
14.	Гамма, бета, альфа ва рентген нурланишларининг дозиметрлари ва радиометрлари	Рентген, гамма, бета ва альфа нурланишлар ютилган дозалари ҳамда нурланиш дозасининг қуввати	12 ой
15.	Лаборатория гамма ва бета нурланиш спектрометрлари	Моддада радионуклидлар миқдори ва таркибини аниқлаш	12 ой
16.	Рентген нурланиши билан диагностика қилиш ускуналари (Рентген аппаратлар, компьютер рентген томографлари)*	Бемор тана аъзолари ва тўқималарининг ички анатомик структураларини рентген нурланиши билан текширишда аниқланадиган параметрлар	12 ой

Т/р	Тиббиёт учун мўлжалланган ўлчаш воситалари ва синов воситалари	Аниқланадиган катталиклар	Метрология текшируви даврийлиги
17.	Магнит резонанси билан диагностика қилиш ускуналари (магнит-резонансли томографлар)*	Бемор тана аъзолари ва тўқималарининг ички анатомик структураларини рентген нурланиши билан текширишда аниқланадиган параметрлар	12 ой
18.	Гематологик анализаторлар	Қонни текшириш, гематологик таҳлил (анализ) параметрлари	12 ой
19.	Иммуноферментли анализатор	Қонни текшириш, иммуноферментли таҳлил (анализ) параметрлари	12 ой
20.	Колометрик ва фотометрик тиббий лабораторияга оид ўлчаш воситалари (оптик зичлик)	Қон, пешоб ва бошқа пробаларининг биологик текшируви параметрлари	12 ой
21.	Биокимёвий анализаторлар	Биологик пробаларни текшириш параметрлари	12 ой
22.	Пешоб анализаторлари	Пешобни текшириш ва таҳлил қилишда (анализ) аниқланадиган параметрлар	12 ой
23.	Тиббий лазерли терапевтик аппаратлар*	Лазер нурланишининг интенсивлиги	12 ой
24.	Юқори частотали электрохирургик ускуналар (коагуляторлар)*	Чиқиш қуввати	12 ой
25.	Дефибриляторлар*	Дефибрилятор разрядининг чиқиш қуввати	12 ой
26.	Физиотерапия ускуналари (паст частотали терапия аппаратлари, ультра юқори частотали терапия аппаратлари, ультратовушли терапия аппаратлари)	Паст частотали терапевтик аппаратларнинг чиқиш параметрлари	12 ой
27.	Бўй ўлчагичлар	Узунлик	12 ой
28.	Лаборатория термометрлари	Ҳарорат	12 ой
29.	Тиббиёт тарозилари	Оғирлик (масса)	12 ой
30.	Диоптриметрлар	Оптик ва призматик кўрсаткичлар	12 ой
31.	Автоклав текшируви учун электрkontaktли манометрлар	Босим	12 ой
32.	Сфигмоманометрлар (тонометрлар)	Артериал босим	12 ой
Синаш воситалари			
33.	Термостатлар	Ҳарорат	12 ой
34.	Қуриштиш шкафлари	Ҳарорат	12 ой
35.	Қуруқ хаволи стерилизаторлар	Ҳарорат	12 ой
36.	Қуруқ хаволи инкубаторлар	Ҳарорат	12 ой
37.	Юқори ҳароратли Муфел печлари	Ҳарорат	12 ой

Изоҳ: * Чиқиш параметрларининг сифати назорат қилиниши лозим бўлган ускуналар.

Мазкур Рўйхат Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

**Савдо-саноат
палатаси раиси**

А. ИКРАМОВ

2017 йил 25 май

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.